

Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Ш.Ташматов Спорт вазирининг Халқаро аралаш жанг санъатлари (ИММАФ) федерацияси президенти билан учрашувида иштирок этди

Жорий йилнинг 29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирини А.Икрамов Халқаро аралаш жанг санъатлари (ИММАФ) федерацияси президенти Керрит Браун билан учрашди. Шунингдек, учрашувда Бош ижрочи директори Денсин Уайт, ташкилотнинг Осиё қитъаси директори Виссам Аби Надер ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси Бош котиби Ойбек Касимов, қўмита раиси ўринбосари, Ўзбекистон Таэквондо ВТ ассосиацияси раиси, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов иштирок этди.



Учрашув давомида жорий йилда Ўзбекистонда илк бор аралаш жанг санъатларининг ҳаваскорлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди ва томонлар ўзларининг ташаббус ва таклифларини билдиришди. Шунингдек, Керрит Браун мамлакатимизда мазкур мусобақани ўтказиш ва келгусида ушбу анъанани сақлаб қолиш борасида ўз фикрларини билдирди.



Якунда томонлар иштирокида икки томонлама англашув меморандуми имзоланди.